Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

• Президент совврини

## ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ




Шаҳрисабзда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган миллий курашнинг бухороча усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти совврини учун халқаро турнир бўлиб ўтди.

Бу галги турнирнинг мутлақ ғолиби бўлган Баҳром Авазов бош совврин «Нексия» автомашинаси ва зотли от билан мукофотланди. 2-ўринни эгаллаган Муҳаммаддўст Тошевга ҳокимият томонидан таъсис этилган «Тико» автомобилининг калити насиб этди. Эрали Маҳмарасулов ва грузиялик меҳмон Георги Гамхиташвили 3,4-ўринларни ўзаро бўлиб олдилар ва республика «Камолот» жамғармасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.



*Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов ғолиб Баҳром Авазовга «Нексия» енгил машинаси калитини топширмоқда.*

Эргаш Қулмуродов тасвирлари.



*Иккинчи ўрин совриндори Муҳаммаддўст Тошев.*

• Футбол

## НАМАНГАНДА СПОРТ ҲАФТАЛИГИ

Дарҳақиқат, кейинги йилларда президентимиз, ҳукуматимиз жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътиборни қаратиб келмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида қарор қабул қилинди. «Соғлом авлод учун» дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши ҳам жуда қувонарли ҳол бўлди.

Умуман Вазирлар Маҳкамаси кейинги уч йил ичида футболни ривожлантириш бўйича 3 та қарорни ишлаб чиқди. Бу йил чарм тўп ишқибозлари учун омадли келди десак янглишмаймиз.

Ўтган ҳафтада Наманган вилоятида футбол ҳафталиги ўтказилиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бунда ҳар бир мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида, давлат ва жамоа хўжаликларида, шаҳар ва қишлоқларда футбол майдонларида футбол турнирлари ва мусобақалари бўлиб ўтди. Унда вилоят аҳолисининг етти яшаридан, етмиш яшаригача бўлган ҳамма баравар қатнашди десак муболаға бўлмайди.

Бу катта тадбирни ўтказишда вилоят ҳокимияти, спорт қўмитаси ва футбол федерациялари муносиб ҳиссасини қўшишди.

Ҳафталик дастурида Чустда республикада биринчи марта маҳалла хайрия жамғармаси совврини учун 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Бунда Чуст шаҳри маҳалла болалари биринчи, жиззахлик болалар иккинчи, Хоразм вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Бир нарсани унутмаслик керакки, футболни ўчоғи ҳам ана шу маҳалла. Машҳур футболчиларимиз Шарипов, Азизхўжаев, Абдураимовлар ҳам ана шу маҳалладан етишиб чиққанлар.

## «ПАХТАКОР-79» ХОТИРА ТУРНИРИ

Яна бир катта мусобақа Уйчида бўлиб ўтди. «Пахтакор-79» хотирасига бағишлаб 1990 йилдан буён ўтказиб келинаётган бу хотира турнирида биринчи йил «Барнаул» футболчилари биринчи бўлган бўлса, кейинги уч йилда «Пахтакор» футбол мактаби, кейинги икки йилда республика Олимпия билим юрти талабалари биринчи ўринларни олишган эди. Бу йилги хотира турнири ўзига хос катта қизиқиш билан ўтди. Биринчи ўрин Тошкентнинг «Ватанпарвар» жамоасига, иккинчи ўрин Зарафшоннинг «Прогресс» командасига, учинчи ўрин эса Уйчининг «Хотира-79» жамоасига насиб этди.

Футбол ҳафталигида 6 вилоятдан жамоалар ташриф буюришди. Улар орасида футбол ниҳоятда гуркираб ривожланган Наманган вилояти биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

## ОЛДИНДА ФРАНЦИЯ

Маълумки 1998 йил Франция давлатида футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида дунёнинг 32 мамлакатидан жамоалар қатнашиши белгиланган. Шундан Оврупа давлатларидан 15, **Жанубий Америкадан 5, Африка 5, Конкааф 3, Осиё 3, агар ғалаба қилса Океания давлатларидан 4 жамоа иштирок этиши керак.**

Шу туфайли жаҳоннинг барча жойларида ушбу нуфузли чемпионатга йўлланма олиш учун қизғин мусобақалар ва тайёргарликлар ўтказилмоқда. Жумладан, Япония футбол федерациясининг 75 йиллигига бағишланган ўртоқлик учрашуви ҳам фикримизнинг ёрқин мисолидир. Бунда ўзбекистонлик футболчилар билан мезбонлар бўлмиш японниялик спортчилар учрашишди. Учрашув 1:0 ҳисобига мезбонлар фойдасига ҳал бўлди. Айтиш мумкинки, бу мусобақа 1998 йилги Францияда бўладиган жаҳон чемпионатига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади.

У.АҲРОРОВ.

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ

## САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ!

### (17-23 сентябрь кунлари учун)

17 сентябрдан бошлаб 18 сентябргача (соат 17 гача) бўлган давр мобайнида сийдик йўллари ва тўғри ичак бўшашиб нозиклашиши кузатилади. Шу туфайли мазкур аъзоларни даволаш таъқиқланади (оғир ҳоллар бундан мустасно). Эндокринологик йўллар, томоқ, жигарни даволаш яхши натижа беради.

Шарқ тиббий мунажжимлари таъбирича кайфиятнинг ёмонлашуви жинсий аъзолар ифлосланишига олиб келади.Бу Юпитер йўлдоши ҳаракати билан боғлиқ. Мағрурлик, тантилик, ҳукмронлик, шуҳратпарастлик кабилар кишида рўй бериши мумкин. Агар кишида бундай ҳислатлар рўй берса охир оқибатда унинг сийдик йўллари ифлосланиши кузатилади. Бунга очкўзлик ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Сатурн йўлдоши ҳаракатланганда кишиларда бахиллик, молпарастлик кайфиятлари туғилади. Булар инсон ривожини тўхтатиб қўяди. Геморрой - бу очкўз кишилар касаллигидир. Чаён буржи атрофидан Ой ўтаётган икки кун мобайнида сизнинг ирoдангизни, қатъийлигингизни, бегоналар ички дунёсига кириб боришингизни, ташқи ва сирли дунёга бўлган қизиқишингизни синовдан ўтказади. Емириб ташлашга сабаб бўлувчи-тўпорилик, қўролмаслик ва жаҳлга эрк бермаганингиз маъқул.

19 сентябрь соат 19 дан 20 сентябрь соат 17 гача бўлган давр ичида жигар, ўт пуфаги, бел ва қон анча нозиклашади. Бу вақт оралиғида юқоридаги органларда жарроҳлик ишлари (баъзи ҳоллар бундан мустасно) олиб бормаган маъқул. Ей буржи атрофидан ой ўтаётганида сизда келажакка, инсонга ишонч, бировга яхшилик қилиш, динга қизиқиш, раҳнамолик сингари хислатлар туғилади.

21 сентябрь соат 12 дан 22 сентябрь соат 13 гача 9 ой куни давом этади. Бу ой тақвимидаги 5 куннинг (9; 15; 19; 23 ва 29 кунлар) бири бўлиб, киши номақбул кайфиятларга берилувчан бўлади. Бу вақтларда кўкрак ҳам нозиклашади. Ўзингизни қўлга олишингизни, қўполлик қилмаслигингизни, айбни бошқага ағдармаслигингизни тавсия этамиз.

Бу кунлари (21-22 сентябрь) суяк бўғинлари, ўт пуфак, ошқозон анча нозиклашган пайт бўлади. Шу боисдан мазкур кунлари юқорида тилга олинган аъзоларда операция қилиш, гавданинг бошқа жойларини даволаш (баъзи ҳоллар бундан мустасно), тиш олдириш таъқиқланади.

Ой Тоғ эчкиси буржидан ўтаётганида руҳиятингизда ўзгаришлар содир бўлади. Эҳтиёткорлик, эътиборлилик, аниқлик, бурчга, ишга содиқлик каби хислатлар ошишига ёрдамлашади.

23 сентябрдан ой Қовға, Балиқ буржларида бўлганида артрит ва нерв системаси касалликлари, кўзни даволаш тавсия этилмайди, чунки булар шу кунлари нозиклашган бўлади, юракни даволаш муолажаларини ўтказиш яхши самара беради.

Қовға буржидан ой ўтаётганида киши кайфиятида ўзгаришлар содир бўлади, янгиликларга, ихтироларга бойийди.


## «ЎЗШАҲАРСОЗЛИК ЛИТИ» — МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИГА ЭГА ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА

**Лойиҳалаштириш ишлари сифатини яхшилаш, ижодий, илмий, техник фаолият даражасини ошириш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида шаҳар қурилишига ихтисослашган Ўзбек илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти (УзНИИП) очиқ турдаги «ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.**

*1928 йилда ташкил қилинган бу институт бой анъана ва катта тажрибага эга, шаҳар қурилиши бўйича республикада энг биринчи ҳисобланади. Институт архитекторларининг бир қатор ишлари Халқаро ва республика танловларида тан олинган. "ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ" ҳиссадорлик жамияти сиз учун қисқа фурсатда ва сифатига кафолат берган ҳолда қуйидаги хизматларни бажаради:*

*- Фуқаролар уй-жойлари, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, мудофаа иншоотларида илмий-тадқиқот, лойиҳавий-режалаштириш ишлари;*

*- қурилиш лойиҳалари экспертизалари, қурилиш буюмлари ва материаллари сифатининг хулосалари, қурилиш норматив ҳужжатлари ва стандартларининг лойиҳалари;*

*- шаҳар қурилиши, архитектура ва қурилиш лойиҳалаштириш, смета нормаларини қўллаш, қурилишда тендер ҳужжатларини тузиш, хорижий фирмаларга консалтинг хизмати (Ўзбекистон Республикаси қурилиш нормалари, қоидалари ва стандартларининг қабул қилинган лойиҳа ечимларига мос келувчи буюмлар ва материалларни қўллаш бўйича);*

*- мавжуд бино ва иншоотларни техник текшириш, реконструкция лойиҳалари, капитал таъмирлаш;*

*- капитал қурилиш учун смета-норматив ҳужжатларини тузиш;*

*- ЭҲМ ёрдамида бинолардаги қурилмаларда муҳандислик тизими ва конструкция ҳисоблари;*

*- безатиш ишлари, илмий тадқиқот ва бошқа босма маҳсулотларини кўпайтириш;*

*- лойиҳалаштириш соҳасидаги мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш, ҳисоблаш техникаси ишлари;*

*Бизнинг манзил: 70001,*
*Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 18-уй.*
*Телефонлар: 41-44-64, 41-41-53, факс: 41-25-73.*



Бухоро шаҳри.
Хўжамушкиндаги масжид



Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги гузар


• Ўзингизни билинг!

## РАШК АЛИФБОСИ

***Рашк масаласида ғоят оқиллик ва эҳтиёткорлик билан иш тутиш керак. Акс ҳолда муносабатлар қаттиқ лат ейиши мумкин. Аммо бу ҳиссиёт Сизга ҳам танишми? Қуйидаги синов-сўровларга жавоб берсангиз - буни билиб оласиз. «А»(Ҳа) жавоби учун 2 очко, «В»(Йўқ) жавобига - 1 ҳамда «С»(баъзида) жавоби**га -0 очко қўйинг ва умумий натижани аниқланг.*

1. Сиз рашк ўтида ёнаётганингизда ҳамхонангиз бунга парво ҳам қилмайди. Ҳатто Сизни тинчлантиришга уриниб ҳам кўрмайди. А/В/С
2. Сиз турмуш ўртоғингиз Сизга кўпроқ ишонишини хоҳлайсиз. А/В/С
3. Шеригингиз Сизни озгина рашк қилишига ич-ичдан хайрихоҳсиз. А/В/С
4. Турмуш ўртоғингизнинг рашкини қўзғаш учун бироз ноз-карашмалар қилиш Сизни завқлантиради. А/В/С
5. Шубҳа ва рашк ўзаро муносабатларда Сизга кўпгина муаммолар туғдиради. А/В/С
6. Ўртоғингиз асоссиз рашки билан кўпинча Сизни мувозанатдан чиқариб юборади. А/В/С
7. Турмуш ўртоғингиз томонидан намоён бўлаётган рашк аломатларига Сиз мутлақо бепарво бўлиб, шу муносабат билан айтиладиган барча танбеҳлар у қулоғингиздан кириб, бунисидан чиқиб кетади. А/В/С
8. Баъзида шеригингиз Сизнинг рашкингизни қўзғаш учун ҳамма нарсага тайёр. А/В/С
9. Ҳозирги вақтда Сиз илгаригидан анчагина рашкчироқ бўлиб қолдингиз. А/В/С
10. Сиз хотинингиз (эрингиз)ни хижолат қилмаслик учун интим муносабатлар ҳақида суҳбатга тортмайсиз. А/В/С

**Жамлаган очколарингиз бўйича хулосаларни газетамизнинг келгуси сешанба сонида ўқийсиз.**

**«Санжар» хусусий кичик корхонасининг учбурчак штампи ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.**


ИШОНЧ

Бош муҳаррир
Саидакром САИДВАЛИЕВ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56—25—36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56—52—89
Масъул котиб — 56—52—78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт — 56—82—79. Ахборот ва спорт — 56—87—63. Маънавият ва маданият — 56—82—79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш — 56—85—43. Тижорат ва ҳуқуқ — 56—85—66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5—23—10. Бухорода — 3—50—10. Гулистонда — 2—24—98. Жиззахда —3—82—18. Навоийда —3—41—99. Наманганда — 6—22—10. Нукусда — 2—44—46. Самарқандда — 35—64—24. Термизда — 2—70—07. Тошкентда — 56—82—79. Фарғонада — 24—58—43. Урганчда — 6—03—40. Қаршида — 5—33—71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр— мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
- Сотувда эркин нархда.

**Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24—уй.**

· Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

· IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А—2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй. Нусхаси — 27.999. Буюртма Г— 0518. Босишга топшириш вақти — 23.00. Топширилди 21.00. Масъул навбатчи: Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА 1 2 3 4 5 6